

ЎЗБЕКИСТОН МУЗЕЙЛАРИДА МЕДИАТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Умирзақов Рахматилла

“Чизматасвир” кафедраси доценти

Умида Рахмонбердиева

Ўзбекистон давлат санъат музейи илмий ходими

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон музейларида мультимедиа воситаларидан фойдаланиш, музейларни тарғиб қилишнинг янги босқичи ва музейлардаги илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришда ҳамда инновацион технологияларни қўллашда муҳим аҳамият касб этиши кўрсатиб берилган.

Аннотация: В данной статье раскрыта важная роль использования мультимедийных средств в музеях Узбекистана, нового этапа популяризации музеев и развитие научно-исследовательских работ в музеях, а также использования инновационных технологий.

Annotation: In this article, the use of multimedia in museums of Uzbekistan is a new stage in the promotion of museums and plays an important role in the development of research in museums and the use of innovative technologies.

Калит сўзлар: музей, экспозиция, инновация, технология, мультимедиа, виртуал, анимация, голограмма, аудиогид, экскурсавод, илмий-тадқиқот

Ключевые слова: музей, экспозиция, инновация, технология, мультимедиа, виртуальный, анимация, голограмма, аудиогид, экскурсовод, исследование.

Key words: museum, exposition, innovation, technology, multimedia, virtual, animation, hologram, audio guide, guide, research.

Сўнгги йиллар мобайнида музейшунослар томонидан оммавий аудиторияни жалб этишга катта эътибор қаратилмоқда. Музейни ташкил этувчи илмий ва кўнгилочар воситалар, музейнинг атроф муҳит ва жамиятнинг ривожига таъсири юзасидан асосли таклифлар билдирилмоқда. Бу замонавий ҳаётда музейлар анъанавий вазифалар ва функциялардан биров четга чиқиб, жамият ҳаётида актив иштирок этишига кўмак берувчи янада кенг дастурларни амалга ошириш керак¹. Маълумки, музейларда экскурсовод ёрдамисиз сайёҳларнинг экспонатлар билан танишиб чиқиш оддий томошабин учун жуда мураккаб саналади. Экспозицияни томошабинга тўлиқ етказишда бир қатор янги инновацион технологиялар ҳозирги кунда музей ҳаётидаги асосий

¹ Квебекская декларация: основные принципы новой музеологии//Museum. 1985. № 148. С. 21

янгиликлардан бирига айланиб бормоқда. Бунда инновацион технологияларни музейлар бошқарувида қабул қилиш самарали натижа беради.

Айни пайтда музейларда экспозиция ривожда жаҳон музейларида қўлланилаётган ва улкан ютуқларга эришаётган инновацион технологияларни иккиланмасдан интеллектуал асрнинг ёрқин намунаси дейиш мумкин. “Элар Ортери P5000”, “ZBE Satellite”, “BookEye GS”, “Minolta PS7000”, ва “Cruse” 3D сканерлари юқори даражадаги инновацион технологиялар бўлиб, ушбу технологиялар лазер нури орқали ёруғлик ва ташқи таъсирларга сезувчанлиги юқори бўлган ноёб буюмларни, яъни экспозицияга қўйиш имконияти бўлмаган экспонатларни, хусусан, керамика ва майда терракота ҳайкал буюмларни, мато, гилам, ноёб китобларни, шунингдек, рангтасвир асарларини ҳам сканер қилади.

Музейларга замонавий инновацион технологияларни жорий қилиш орқали бугунги кунда музейни қизиқарли масканга айлантириш мумкин. Дунёдаги бир қатор музейлар, масалан Лапвордаги Геология музейида - ернинг геологик структурасини ёки вулқон отилиши, Москвадаги Дарвин музейида – ҳайвонот олами билан боғлиқ бўлган видео ва овозли лавҳалар, ёки ушлаб кўриш учун бирон бир ҳайвоннинг терисидан кичик намуна каби қизиқарли лойиҳалар кундан-кунга бойитилиб бормоқда. Бундай тажрибалардан наъмуна олган ҳолда, музейга интерактив дастурларни тадбиқ қилиш лозим. Музей экспозициялари ҳақидаги маълумотномани мукамал ва бекаму-кўст деб бўлмайди. Шу боис экспозиция заллари бўйлаб махсус мавзувий мультимедия дастурларини яратиш яхши самара беради. Табиат музейининг экспозицион залларида ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини тасвирловчи, органик дунё эволюцияси, одамнинг пайдо бўлиши, республика табиати, унинг бойликлари ва улардан фойдаланиш каби лавҳаларни овозли эффектларда ўзида акс эттирган мультимедия маҳсулотларини йирик масштабдаги экранларда жорий қилиш экспозицияни янада бойитади. Бундан ташқари музейга HANDS-ON дастурини қўллаш лозим. Бу орқали музей экспонатларини ушлаб кўриш имконияти туғилади. Бу ҳолатда ноёб буюмнинг визуал кўриниши намоишга қўйилиб, уни қўл билан ушлаб кўриш мумкин бўлади.

Республика музейларининг экспозиция залларини янада бойитиш мақсадида, 3D витрина технологиясидан ҳам фойдаланиш мумкин. Тан олиш керакки, музейларда экспозиция заллари оригинал даражада эмас. Масалан Ўзбекистон Давлат амалий санъати музейида экспозиция заллари жуда торлиги ҳамда витриналарни бир-бирига жуда яқин масофада жойлаштирилганлигини кўриш мумкин. Бу эса музейга гуруҳ бўлиб ташриф буюрувчиларга бирмунча ноқулайликларни туғдиради. Бундан ташқари, витриналарга жойлаштирилган масалан мураккаб техникали заргарлик наъмуналарини бир-бирига ўта зич жойлашуви киши эътиборини чалғитади. Таклиф этилаётган мазкур қурилма

музейларда экспозициянинг асосий ёрдамчи объекти бўлиб, унда буюм тепасида ва унинг ёнида виртуал тасвир ёки матннинг ҳавода муаллақ голографик² ҳаракатланиш ҳолати кузатилади. Намойиш учун тасвирга олинган видео, 3D анимация ва 3D графикадан фойдаланилади. Натижада, 3D витрина ёрдамида объект турган қора фондаги асос кўринмаслиги амалга оширилади. Тасвир фазода голограмма каби парвоз этади. 3D витриналар махсус нимшаффоф ойнадан ташкил топган бўлиб, буюм жойлаштиришга мўлжалланган. Давлат амалий санъати музейида сақланувчи XVI асрга тегишли бўлган, Марғилон заргарлари томонидан яратилган бир жуфт сирға буюмини 3D витринага жойлаштириб махсус эффектлар яъни буюмни айланма ҳаракатга келтириш орқали намоиш қилиш мумкин. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, бундай қурилма предметни ҳаракатга келтириш, ранглар билан бойитиш, йўқотилган қисмини тиклаб бериш каби имкониятларга эга. Демак, бундай имкониятни бутун ҳолатда сақлаб қолмаган сопол буюмлар, турли антропологик, зоологик экспонатлар намоишида ҳам фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон тарихи давлат музейида виртуал стереоскопик витрина дастурини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Сабаби музей предметларининг баъзиларини археологик қазилмаларда топилган асл кўринишига эга бўлмаган ноёб буюмлар ташкил қилади. Экспозицияда ушбу буюмларни асл ҳолатида намоиш қилишнинг имкони йўқ албатта, лекин ушбу инновация бу имкониятни виртуал шаклда тақдим этади. Ушбу витрина экспонатни йўқотилган қисмини компьютерлаштириш орқали тиклаб беради. таъмирланган қисм, реал объектдан деярли фарқ қилмайди. Бундан ташқари ушбу музей ва Термиз давлат археология музейи фаолиятига 3D сканерларини (“Элар Ортери P5000”, “ZBE Satellite”, “BookEye GS”, “Minolta PS7000”, “Cruse”) жорий қилиш мумкин. Бу технологиялар музей фондида сақланаётган исталган турдаги таъсирчанлиги юқори бўлган майда буюмларни (терракоталар, гилам, китоб, сопол идишлар ва х.к.) лазер нури орқали сканер қилиб, 3D форматда уларнинг виртуал шаклини тақдим этади. Бу музей ходимларининг ишини анча енгиллаштириб, фонддаги кичик ҳажмдаги предметларни виртуал шаклда ҳажмли қилиб кўрсатиш имконини беради.

Ўзбекистон Давлат санъат музейида замонавий электрон технологиялардан яна бири Ipad Gidни жорий этиш мумкин. Электрон гид музейлардаги барча экспонатларни ўзида жам қилган замонавий воситадир. Бунинг учун дастлаб

² Голография – кенг маънода фотографик жараён бўлиб, текис тасвирни вужудга келтирувчи оддий фотографиядан фарқли равишда оригинал (ўзига хос) объектнинг уч ўлчамли нусхасини гавдалантириш хусусиятига эга.

музей заллари бўйлаб, микрочиплар ўрнатилади, шундан сўнг, мазкур чиплар ёрдамида Ipad масофавий тизими ишлайди. Ipad даги блутус орқали микрочиплар билан алоқа бошланади. Музейга ташриф буюрувчи эшикдан кириши биланоқ Ipad музей тўғрисида маълумотларни бериб боради. Ipadнинг сенсор экранида музей тўғрисида тўлиқ маълумот ва 3 ўлчамли фото пайдо бўлади. Киши қайси буюм олдида яқинлашса Ipad шу экспонат тўғрисида батафсил маълумот бериб боради.

Замонавий музейларда хизматлар кўрсатишда аудиогид инновациясидан фойдаланиш ижобий натижа беради. Бугунги кунда бу технологияни дунёдаги деярли барча музейлар фаолиятида учратиш мумкин.

Аудиогидлардан илк бора 1952 йилда Амстердам “Stedelijk» музейида фойдаланилган. 1990 йилларнинг ўрталарига келиб, бу технология оммалашиб, айти дамда уларнинг микро, мультимедияли, қўлда бошқариладиган, автоматик бошқариладиган ҳамда универсалъ (аудиогид ва радиогид битта системада) аудио-ручка, экскурсияли радиосистема каби турлари мавжуд.

Аудиогид имкониятларидан ўзбек музейларида фойдаланиш зарур. Воситани ижарага олиш орқали томошабинлар экскурсавод ёрдамисиз музей заллари бўйлаб, экспонат ҳақидаги барча маълумотларни билиб олишлари мумкин. Мультимедияли аудиогид технологиясини айтиқса музей қўриқхоналарда (Фарғона, Бухоро, Самарқанд, Хоразм) қўллаш даркор. Бу музей қўриқхоналар таркибига бир нечта музейлар киритилганлиги сабабли, улар орасидаги масофани қисқартириш ҳамда ҳар-бир объектдаги экспонатлар ҳақидаги маълумотларни бирлаштириб етказишда томошабинга аитнан ушбу технология қўл келади.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика “Ўзбекмузей” жамғармаси билан биргаликда Ўзбекистон музейларида Аудиогидларни қўллаш таклифини ўрганиб чиқди. Олиб борилган ишлар натижасига кўра, Россиянинг Москвадаги “Экспомир” МЧЖнинг Mini-Lux A G аудиогидларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Ҳар бир музей ўз қарашларидан келиб чиққан ҳолда, мультимедиа континенти лойиҳаларини ишлаб чиқмоқда. Янги мультимедиа технологияларининг ишлаб чиқилиши томошабинлар ва музей ходимлари учун кенг имкониятлар яратади. Йирик ҳорижий музейлар фаолияти ривожланиши жараёнида Давлат Мультимедиа Маркази махсус ташкилоти ишлаб чиққан ва музейлар ихтисослиги бўйича мослаштирилган лойиҳалар муҳим аҳамият касб этмоқда³. Музейларни модернизациялашда янги проектлар яратиш, музейлараро халқаро аҳмиятни ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади. Музейларни

³ Д.Филонов Компьютерная эра в музее Мир музея. Москва. 2009. №5 (261).Ст 37.

модернизациялаш – бу концептуал структуравий ва технологик ўзгаришлар тизими бўлиб, музейларни мавжуд ҳаётий оқим ва келажак билан боғлайди”⁴. Музей предметларини тўлалигича рақамли кўринишга ўтказиш, уларни диққат билан кузатиш ва ўрганиш борасида янгиликлар яратади. Электрон нашрлар китоб нашрларидан чегараланмаган матн, иллюстратив материал ва бир қанча хорижий тилларни умумлаштирган интернетнинг тез қидирув тизими жараёнларини моделировка қилиш доирасида маълумотлар тўпламига эга эканлиги билан ажралиб туради.

XX асрнинг 90 йилларда музейшуносликка кириб келган “виртуал музей” ибораси бугунги кунга келиб замонавий музейшуносликнинг бутун бошли муҳим бир йўналишига айланиб улгурди ва музейларда туризмни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада Ўзбекистон давлат санъат музейида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. 2019 йилдан бошлаб музейининг дестинацияси Google map, Maps me, Yandexs электрон хариталарга музей биносининг электрон манзили жойланди. Чет эл туристик сайёҳлар учун музейга олиб боровчи 16 та йўл кўрсаткичлар ўрнатилди. Бундан ташқари, сайёҳлар учун аэропорт ва вокзалларда музейни реклама қилувчи таркатма материаллар флаэрлар ва буклетлар таркатилди. 2019 йил музейнинг телеграм (https://t.me/state_art_museum) ҳамда инстаграм (davlat san'at muzeyi) саҳифалари ишга туширилди. 2020 йилда маҳаллий ва хорижий фуқаролар учун виртуал музей (<https://roundme.com/viewgallery/3185/571285>) жорий қилинди ҳамда электрон билет тизими яратилди. Буюртма асосида ташриф буюрувчилар учун айнан пандемия шароитида 50 дан ортиқ турли хил тоифадаги сайёҳларни қабул қилиш ваколатига эга бўлди. 2021 йил музей ходимлари 15 донa моноблок билан таъминланди. Кейинги йилларда замонавий инновацион технологиялар билан бойитилган музейнинг янги биноси машҳур япониялик архитектор Тадао Андо лойихаси асосида қурилиши режалаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий инновацион технологияларни музейлар фаолиятига тадбик қилиниши бу биринчидан давр талаби ҳисобланса иккинчидан халқнинг бой маданий ва моддий меъросини бор бутунлигича ҳамда кенг қамровда намойиш этиш имкони ва бу орқали музей мухлисларини маънавий онгини янада юксалтиришга хизмат қилади.

⁴ Будко А. Модернизация. Схематизация опыта. Мир музея. Москва. 2010. №12 (280).Ст 50-51.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Квебекская декларация: основные принципы новой музеологии//Museum. 1985. № 148. С. 21
2. Д.Филонов Компьютерная эра в музее Мир музея. Москва. 2009. №5 (261).Ст 37.
3. Будко А. Модернизация. Схематизация опыта. Мир музея. Москва. 2010. №12 (280).Ст 50-51.

Интернет сайтлар:

1. www.icom.org.ru
2. www.histori-museum.uz
3. www.artmuseum.uz